

ОАВ учун медиатур

// 30.03.2016

<https://uzkemyosanoat.uz/uz/press/news/oav-uchun-mediatur>

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун медиатур ташкил этилди. Ушбу тадбир доирасида журналистлар Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Жаҳон банки гурухининг «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» қўшма лойиҳаси доирасида энергия самарадорлиги юқори технологияларни жорий этиш ва энергия тежаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Бугун тарақкий этган ва ривожланаётган мамлакатларда барча турдаги ресурслар, жумладан, электр энергияси, хомашё ва материаллардан самарали фойдаланиш масаласи долзарб бўлиб турибди. Қазилма бойликларнинг улкан захирасига эга мамлакатимизда энергия тежаш ва ҳисобга олиш тизимларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар, илфор технологииларни қўллаш ва саноатни бошқариш, энергия ресурсларини ташиш ва фойдаланишнинг самарали молиявий-иктисодий воситаларини ишлаб чиқиш орқали ушбу мақсадларга эришилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 21 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилга инвестиция дастури тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 июлдаги «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Жаҳон банки Халқаро тараққиёт уюшмасининг «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» қўшма лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Ўзбекистон тижорат банклари кредит маблағлари самарасида мамлакатимиз саноат корхоналарининг аксарияти маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида электр энергияси ва табиий газ сарфини сезиларли қисқартириш имкониятига эга бўлди. Медиатур мамлакатимиз саноатида энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш борасидаги ишлар натижалари билан оммавий ахборот воситалари вакилларини таништириш ва буни кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида ташкил этилди.

Тадбир доирасида журналистлар «Тошкент ёғ-мой комбинати», «Ўзпахтасаноат» АЖ корхоналари, «Максам-Чирчиқ», «Аммофос-Максам» акциядорлик жамиятлари ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати каби пойтахтимиз ва Тошкент вилоятидаги қатор саноат корхоналарида бўлди.

Қишлоқ хўжалиги учун ўғитлар ишлаб чиқарадиган «Максам-Чирчиқ» ва «Аммофос-Максам» акциядорлик жамиятларида ишлаб чиқариш обьектларининг энергия самарадорлигини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, «Максам-Чирчиқ» акциядорлик жамиятида «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳаси доирасида 103 позициясидаги табиий газ билан ишлайдиган оловли иситгич 107 позициясидаги риформинг печининг иссиқлик аппаратураси блокига ўтказилди. Бунинг самарасида «зангори олов» тежалади, атмосферага чиқариладиган заарарли газлар миқдори қисқаради. Шунингдек, риформинг печининг тутун газлари иссиқлигидан фойдаланиш даражаси ошади ва атмосферага чиқарилаётган тутунлар ҳарорати камаяди.

«Аммофос-Максам» акциядорлик жамиятида журналистларга қуввати 800 киловатт бўлган юқори вольтли 5 электр моторини анча энергия тежамкор моторларга алмаштириш бўйича амалга оширилган лойиҳа натижалари хусусида маълумот берилди. Авваллари эскирган ускуна йилига 24,8 миллион киловатт-соат электр энергияси сарфлаган бўлса, қуввати 630 киловаттли янги қурилмаларнинг ўрнатилиши самарасида электр энергияси истеъмолини йилига 5,2 миллион киловатт-соатдан ортиқ камайтиришга эришилди.

Медиатур якунида журналистларга «Саноат корхоналарининг энергия самарадорлигини ошириш» лойиҳаси доирасида мамлакатимиздаги 32 саноат корхонасида жами 81 лойиҳа амалга оширилаётгани маълум қилинди. Дастробки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу лойиҳалар йилига 539 миллион киловатт-соатдан ортиқ электр энергияси ва 252 миллион куб метрдан зиёд табиий газни иқтисод қиласи. Шу тариқа мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ва 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурида белгиланган мақсадларга эришишга салмоқли ҳисса қўшилади.